



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

XXI саҳоси
Хаср Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 85 (9.582) 2001 йил 23 июль, душанба Сотувда эркин нархда

Ечимини кутаётган вазифалар

Шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган шаҳар фаолларининг йиғилишида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2001 йил биринчи ярми якунлари қўриб чиқилди. Шунингдек Президент Ислоҳ Каримовнинг яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов бошқарди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи Н. Хонов ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, биринчи ярим йилликда шаҳар иқтисодиётида бир қатор ижобий жиҳатлар кўзга ташланди. Жумладан, биринчи ярим йиллик якунларига кўра, ички ялпи маҳсулот ҳажми 303,6 миллиард сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 2,3 фоиз ўсишга эришилди. Мулкчиликнинг турли шаклларидаги ҳўжаликни юритувчи субъектлар 170,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, ўсиш 7,1 фоизни ташкил этди. Хисобот даврида халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришнинг ортиши ва даражаси 93,4 миллиард сўмлик бўлди, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиши 4,7 фоизни, умумий ишлаб чиқаришдаги нодавлат секторининг улуши 86,6 фоизни ташкил этди. Биринчи ярим йилликда бюджетнинг тушум қисми 139,9 миллиард сўмни ташкил этди, бу 2000 йил билан солиштирилганда 30,3 фоиз кўпдир ва эҳтимолий кўзда тутилган натижалардан 232,1 миллион сўм зиёддир. Барча манбалар эвазига 90 миллиард сўм ҳажмида капитал маблағ ўзлаштирилди, коммунал аҳамиятидаги бир қатор объектлар, шу жумладан 5,6 километр ичимлик сув тармоқлари, 9 километр газ тармоқлари, 1,4 километр иссиқлик тармоқлари, 10,1 километр оқова сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга 124,8 миллион сўм йўналтирилди, йил бошидан 22.237 та янги иш ўринлари очилди.

Яқунлар сарҳисоби пайтида дебиторлик ва кредиторлик қарзларига ҳам муҳим эътибор қаратилди. 1 июнга қадар мuddати узайтирилган дебиторлик қарзлари 686,3 миллион сўмни, кредиторлик қарзлари 6,5 миллиард сўмни ташкил этди. Бирок, шу нарсани таъкидлаш керакки, мuddати узайтирилган дебиторлик қарзлари 2001 йилнинг 1 январига ҳолати билан солиштирилганда 48 фоизга, кредиторлик қарзлари эса 0,5 фоизга пасайди.

Саноат ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлар кўнглидагидек эмас. Афсуски, ўтган йил билан солиштирилганда маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш пасайди, бу 87 та корхона учун характерлидир. Бектемир туманида 6 миллиард сўмлик, Чилонзор ва Ҳамза, Сергели туманларида 663,6 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми пасайганлиги кўзга ташланади. 60 та корхона умумий олиб ҳисоблаганда 2,7 миллиард сўмлик халқ истеъмоли молларини бермаган. Бу нарсани умумий миқдорнинг 25,5 фоизини ташкил этди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш дастурларини амалга ошириш ҳамон долларб вазифа бўлиб қолмоқда. «Оловдан кучли», «Саноаталоқа», Тошкент таъмирлаш экскаватор заводи акциядорлик жамияти сингари корхоналар ушбу дастурларни амалга оширишга ўз вақтида киришдилар. Бошқа корхоналар эса ўз мажбуриятларининг 50 фоизини ҳам бажармадилар. «Сантехника буюмлари заводи», «Тошкент темир-бетон конструкциялари заводи» акциядорлик жамиятлари, «Ўзгласайд» қўшма корхонаси ушбу йилдаги тадбирларни бажаришга умуман киришмаганлар.

Президент Ислоҳ Каримов Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган 2001 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишдаги нутқидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаб ўтганидек, ҳорижий инвестицияларни жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бинобарин, бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётимиз тараққиётининг муҳим секторидир, кичик ва ўрта бизнес фаолияти нафақат йирик бизнеснинг муваффақиятли ривожланишига, балки шу билан бирга умуман олганда мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга, ички истеъмол бозорини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам катта таъсир кўрсатади. Бугунги кунга келиб кичик ва ўрта бизнеснинг 25632 та субъекти рўйхатдан ўтказилган, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам рисоладагидек фаолият кўрсатаётти деб бўлмайди. Ишлаётган корхоналарнинг 40,5 фоизи савдо хизмати ва умумий оқватланиш билан шуғулланмоқда, 1,2 фоиздан зиёди хизмат кўрсатиш тармоқларида ва 1,9 фоизи транспорт тармоғида ишламоқда. Бор-йўғи 19,5 фоизини ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Тадбиркорликни ривожлантиришга ҳалақат бераётган сабаблар қаторида кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатдан ўтказиш пайтида йўл қўйилмаётган қонда бузиллишлари, туман ҳокимликларида аризаларни кўриб чиқиш мuddатларининг кўзиб юбораётганлиги ҳолатлари ҳам айтиб ўтилди. Таҳлиллар яна шунини кўрсатдики, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 70 фоизидан ортиқ базаси йўқ, 12-15 фоизда ҳомаёш, зарур жиҳозлар йўқ. Ҳозирги пайтда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг экспорт-импорт алоқаларини такомиллаштириш ҳудудий дастури ишлаб чиқилган ва у фаолият кўрсатмоқда. Бирок, ушбу дастурнинг бугунги кундаги бажарилиш даражаси етарли савияда эмас, шу боисдан ушбу аҳволни тўғрилаш керак.

Фаоллар йиғилишида сўзга чиққан шаҳар ҳокими К. Тўлаганов бошқа масалалар билан бир қаторда ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш дастурини амалга оширишни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни тезлаштириш муаммоларига асосий эътиборни қаратди.

Йиғилишда сўзга чиққан шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси Н. Зокиров, шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси вазифасини бажарувчи С. Ҳақимов, Марказий банк шаҳар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Р. Сирожиқдидова, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш бошқармасининг бошлиғи А. Исқандаров, «Фармед» хусусий корхонасининг раҳбари Д. Тошмухамедова, «Билдинг Технолоджи» қўшма корхонасининг раҳбари С. Ким ва бошқалар тадбиркорликни ривожлантириш, шаҳар ҳўжалигининг барча тармоқларида ислохотларни тезлаштириш ва чуқурлаштириш, белгиланган вазифаларни бажариш борасидаги ўзларининг амалий тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Фаоллар йиғилишида муҳомака этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Бош вазир ўринбосари В. Отаев қатнашди.

10 Шунингдек Ватан - барчамизники!



Чилонзор тумани 1963 йил 4 январда ташкил топган. Унинг умумий майдони 2998 гектарга тенг. Аҳолисининг сони — 219,4 минг кишидан ортиқ. Туманда 28 та асосий кўча мавжуд бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 183 километрни ташкил этади, 1123 та кўп қаватли уйлар қад кўтарган.


Чилонзор туманида 43 та маҳалла бор. Шунинг-



Чилонзор тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетидagi махсус саҳифада танишасиз.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



деқ 2 та стадион, 19 та спорт зали, 6 та очик ва ёпиқ ҳолдаги сув ҳавзалари, теннис кортлари, футбол майдонлари — ҳаммаси бўлиб 169 та спорт иншоотлари фаолият кўрсатмоқда.

Туманда шаҳримиз аҳолиси ва пойтахт меҳмонларининг домий ҳордиқ чиқарадиган сўлим ва ораста масканлари — Алишер Навоий номидаги Миллий бог ва Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи жойлашган.

Туманда пойтахт ва республикада танилган саноат корхоналари ҳам бор. Умуман бу ерда 78 та йирик корхона мавжуд бўлиб, улар орасида Ўзбекистонда ташкил этилган биринчи қўшма корхона — «Советластитал» алоҳида ўрин тутди. «Алгоритм», «Кокка-кола ЛТД», 8-темир-бетон буюмлари корхонаси ҳам шулар жумласига кирди.

Туманда Тошкент Давлат иқтисодий университетини, 10 та ўрта махсус, шу жумладан 2 та академик лицей, 37 та умумтаълим мактаблари ҳамда 62 та мактабга тарбия муассасалари мавжуд. Чилонзорликларга ўн та поликлиника ва 8 та шифохона хизмат кўрсатади.

Чилонзор туманида қад ростилаган Халқлар Дўстлиги саройи мажмуаси, Алишер Навоий номидаги Миллий бог, Олий Мажлис ва Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали театри бинолари нафақат туман, шаҳар, балки бутун республиканинг меъморий обидалари қаторидан алоҳида ўрин олган.



ҚИСҚА САТРАРДА

• **МУСТАКИЛЛИГИМИЗНИНГ** 10 йиллик айёмини муносиб кутиб олиш мақсадида Собир Раҳимов туманидаги Универсал бозор ҳамда Тансиқбоев деҳқон бозори бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан қайта бунёд этилаётган ушбу бозорларда йўловчилар қатнови учун транспорт қўлайлиги, усти ёпиқ расталарнинг қўпчилиги хариддорларга қатор қўлайликлар туғдиради.

• **БУНДАН** ўн бир йил аввал ташкил этилган Тошкент таксофон очик турдаги акционерлик жамияти ходимлари истиқлолнинг 10 йиллигига аҳоли учун ўзига хос тўхфа ҳозирлашди. Яъни абонентлар учун истаган мамлакат ёки шаҳар аҳолиси билан алоқа боғлашда ўзига хос қўлайлик — кодли карточка

• **ТОШКЕНТ** алоқа электротехника институтини қўшидаги академик лишейда яқинда Германиядан келтирилган замонавий компьютерлар халқаро Интернет тармоғига уланди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** 101-болалар махсус мактаб интернатининг энг иқтидорли 15 нафар тарбияланувчиларни турли хил тадбирлар спорт мусобақаларини ўзида жо этган халқаро тадбирда иштирок этиш учун АКШга жўнаб кетишди.

• **ОНАЛАР** ва болалар йилига бағишлаб шаҳримиздаги 493-боғчада Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан тумандаги барча боғчаларнинг тарбиячилари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Аёлларнинг жамиятда тугган ўрни» деб номланди.

• **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласида маҳалла фаоллари иштирокида туман соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Болалар

Мамлакатимизда

• Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини санациялаш бўйича ҳукумат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда санацияга тортилган 211 та қишлоқ ҳўжалик корхонасининг жорий йилнинг биринчи ярмидаги ҳўжалик фаолияти якунлари муҳокама этилди. Шунингдек, комиссия 52 та истиқболсиз қишлоқ ҳўжалик корхонасини фермер ҳўжаликларига айлантириш жараёнини кўриб чиқди. Бу жамoa ҳўжаликлари ўрнида танлов асосида 3663 та фермер ҳўжалиги ташкил этилди.

• Республика «Оила» илмий-амалий марказининг раҳбар органи — Иштирокчилар кенгаши аъзоларининг йиғилишида ушбу марказнинг жорий йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботида асосий эътибор оила муаммолари билан боғлиқ масалаларни атрофлича ўрганишга қаратилганлиги қайд этилди.

• Наманган, Жиззах вилоятлари фаолларининг йиғилишида Президент Ислоҳ Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 2001 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

• Ҳоразм вилоятининг бир қатор туманларида Ички ишлар вазирлиги, маҳаллий идораларнинг вакиллари аҳоли билан учрашувлар ўтказдилар. Учрашувларда гиёвандликка қарши кураш ва ёшлар ўртасида ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

• Ҳиндистоннинг Тошкентда фаолият кўрсатаётган маданият марказида «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишлаб суҳбат ўтказилди.

• Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида Халқаро Кураш институтининг фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Жаҳонда

• **КЕЧА** Генуяда «Катта саккизлик» давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ўз ишини ниҳоясига етказди. Бундан кейинги ана шундай учрашуви Канадада ўтказишга келишиб олинди.

• Индонезиядаги сиёсий вазият борган сари кескин тус олмақда. Президент Абдураҳмон Воҳид мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишга кўрсатма бериб, парламентни тарқатиб юбориш ниятида.

• Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес исроилликлар Йордан дарёси қаршидаги Фаластин ҳудудларини босиб олмақчи, дея тарқалган гапларни рад этди. Унинг фикрича, Қуддус яқинидаги яҳудийлар манзилининг минометлардан ўққа тутилиши Фарбий қирғоққа исроилликларнинг қўшимча куч киритишларига сабаб бўлди.

• Қирғизистон ва Қозғистон Президентларининг Бишкекда бўладиган учрашувида икки томонлама муносабат масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, ҳар икки томоннинг икки мамлакат ўртасидаги товар айланишининг пасайганлиги ташвишга солмақда. Агар 1998 йилда у 180 миллион долларни ташкил этган бўлса ўтган йил бу рақам бор-йўғи 91 миллион долларни ташкил этди.

• Яманда АКШ элчихонаси олдига портлаш содир бўлди. Хабарларга кўра, элчихона биносига бироз зарар етган. Қурбонлар ва жароҳатланганлар йўқ.

• АКШ конгресси вакиллари Хитойнинг 1 миллион доллар тоvon тўлаш ҳақидаги талабига ўз норозилиklarини билдиришди. Гап шундаки, шу йилнинг апрель ойида ҳаводаги тўқнашув тўғрисида АКШнинг «Ер-3» жосус самолёти Хитойнинг Хайнань оролига мажбуран қўндирилган эди. АКШ ҳукумати ушбу жосус самолётининг йўл кетиш дастурини ишлаб чиққан, ҳатто Россиянинг «Полёт» авиаконанясига қарашли «АН-124 РУСЛАН» самолётида олиб кетишга келишиб қўйганди. Бирок, самолёт халигача Хитойда ушланиб турибди.

• **ЭРТАГА** «Атлантис» космик кемаси унинг экипажи Халқаро космик станциясидаги ҳамма дастурни бажариб бўлгандан кейин ерга қўндирилиши керак.

• Македонияда қуроли можаорларни тўхтатиш тўғрисидаги битим хали-бери имзоланмайдиганга ўхшайди. Албан жангарилари ҳукумат армиясига қарши ҳужумларини бас қилмас экан, тинчлик ўрнатиш жараёни бошланиши даргумон.

• Беларусь қасаба уюшмалари федерациясининг раҳбари В. Гончарик Беларусь президентлигига бўлажақ сайловларида муҳолифат номзоди бўлди.

• Македониянинг Титово шаҳри атрофларида ҳукумат қўшинларининг албан жангарилари билан қучли тўқнашувлари бўлиб ўтди. Ҳозирча йўқотишлар тўғрисидаги маълумотлар келмади.

• Россия Космик агентлиги раҳбари Юрий Коптев Халқаро Космик Станция лойиҳаси аъзолари бўлган беш космик агентлик вакиллари иштирок этган йиғилишда Станция яқин олти йил орасида фазога сайёҳларни қабул қила олмастлигини маълум қилди.

• Рейтер агентлигининг баҳарига кўра, Америка Қўшма Штатларининг «F-16» қидирув самолёти Туркиянинг жанубий шарқида ҳалокатга учради. Самолёт Ироқнинг шимолий ҳудудларида патруль хизматини ўташ учун ҳаракатланган эди. Ҳозирда фалокат сабаблари ўрганилмоқда. Кўни кеча эса АКШ ҳаво қучлари Ироқнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа объектларини бомбардировка қилди.

• Македония Бош вазири Любчо Георгиевскийнинг халқаро воситачиларга нисбатан билдирган норози оҳандаги муносабатидан сўнг можаорни тинч йўл билан ҳал этиш бир қадар қийинлашди. Боиси, у Фарбинг албан террорчиларига ён босиб, албан тилига давлат тили макомини бериш борасидаги тақлифни қўйишни салбий баҳолади.

• Кубада карнаваллар мавсуми бошланди.

• Ўтган шанба кўни Жанубий Африка Республикасининг аксарият аҳолиси ҳаётларида биринчи бор бу ерда ёққан қорни кўрдилар.

• Германия солиқ хизмати 33 ёшли собик теннис юлдузи Борис Беккерни 9 миллион фунт стерлингга тенг солиқ тўламаганлигида айболомқда. Маълум бўлишича, 90-йилларда у Монако князлиги фуқароси бўлса-да, асосан Германияда яшаган. Қонун бўйича эса у бу мамлакатда бир йилда уч ойдан зиёда яшаш мумкин бўлмаган.

• Хант-Манси мухтор округида Ми-2 тиббий вертолётини ҳалокатга учради.

• Боннда БМТнинг глобал иссиқлашув муаммоларига бағишланган конференцияси ниҳоясига етди.



БИЗ — ЯГОНА ОИЛАМИЗ

Қайси бир оила бошлиги иш жараёнида ютуқларга эришса — бу унинг учун фахр, агар улардан бирининг баъзи муаммолари ҳал қилинмаса, унга таъвиш ҳисобланади. Худди ана шу ҳис-туйғуларни туман раҳбарлари ҳис қилишлари керак. Ана шу фикр-мулоҳаза билан биз Чилонзор тумани ҳокими Шавкат ҚОСИМОВГА мурожаат қилдик.

— Сиз ҳақсиз. Ҳақиқатан ҳам шу туманга бир ярим йил давомида раҳбарлик қилиш жараёнида Чилонзор тумани меннинг уйим ва оилам бўлиб қолди, — дейди Шавкат Маннопович. — Чилонзор кўп миллатли туман ҳисобланади. Бу туманда 32,5 фоиз ўзбеклар, 28,5 фоиз руслар ва бошқа миллатга мансуб аҳоли истиқомат қилади. Албатта, ана шундай кўп миллатли «оиламиз» аъзоларининг фаровон яшашларини истайман. Мен туманимиз аҳолисида коммунал, моддий ва бошқа ҳеч қандай муаммоларнинг бўлмаслигини хоҳлайман.

Ҳокимлигимиз, тумандаги мутасадди раҳбарлар шу мақсадни амалга оширишга интилади, биз ана шу мақсад билан ишлаймиз. Хозирда туманда ўтказилаётган коммунал ислохот асосида уй-жой эгалари мулкдорлари ташкилотлари ташкил этилмоқда. Бугунга қадар бўлган ташкилотлар сони 60 тага етди. Бу эса туман аҳолисига ўзи маъиш ва бошқа муаммоларини мустақил ҳал қила олувчи, ўзларини уйларидаги тўла эгалари деб ҳис қилишлари имкониятини беради. Хар йили туманда савдо ва маъиш хизмат кўрсатиш тармоқлари янада ривожланиб бормоқда, кўпгина муҳим объектлар қурилмоқда ва таъмирланмоқда.

— Айтганча, қурилиш ҳақида. Сиз шу туманга ҳоким этиб тайинланганингизда кўпчилик туманда кўп қурилишлар амалга оширилди, деб айтишган эди. Энди ана шу фикрлар амалга ошпти дейишимиз мумкин...

— Ҳақиқатан ҳам мутахассислигим бўйича қурувчиман. Республикаимиз Мустақиллигининг ўн йили давомида бир қанча улкан ишосотларни бунёд қилишда иштирок этиш менга ҳам nasib этмагандан бахтиёрман. Чилонзорда уч йил давомида қурилиш ишлари олиб борилди. Шундай қилиб, «Ц» даҳасида замонавий лойиҳалар асосидаги, тақомиллашган режалар хонадонларга эга янги мазе бунёд қилинди. Яқинда биз «Тошметрополитен» коллежи ва Тошкент Давлат Иқтисодий университетини қошида академик лицей қурилиш ишларини бошлаб юбордик. Республикаимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига туманимизда жойлашган шойишнинг тиббий ёрдам кўрсатувчи Давлат илмий марказини қайта қуришнинг иккинчи босқичини тугаллаш режалаштирилмоқда. Яна байрамга «Чилонзор» савдо маркази ёнидаги бозорни қайта қуришни ақунлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Яқинда «Тинчлик» маҳалласидаги стадион фойдаланишга топширилди. Энг асосийси Халқаро дўстлиги шохўчасидаги йил қурилиш ва пойтахтнинг Жанубий томонида ободонлаштириш ишларининг олиб берилишини фахрийлик ҳисобланади. Бу қурилиш метронинг «Собир Раҳимов» бекати атрофида қурилаётган транспорт қатновини боғловчи кўприкнинг давоми ҳисобланиб, йил тўлалигича асфальтлаштирилди, йўл четлари алмаштирилди, бунинг ҳисобига транспорт қатнови йўли бир мунча кенгайтирилди. Халқлар дўстлиги шохўчаси бўйича ирригация шохобчалари қайта тикланди. Эндиликда икки текзор йўналишда замонавий талабларга тўла жавоб бериб, автотранспорт ҳаракати учун жуда қулай ҳолга келди.

Бундан ташқари яна икки йўналишни йўл ишга тушириди. Умуман мўлжалланган ҳамма ишлар тугалланди деб айтишимиз мумкин. Ушбу йўл-барча тошкентликлар учун байрамга тўхғадир.

— Чилонзорликлар Мустақиллик кунини қандай нишонлайдилар?

— Кўпгина байрам тадбирлари режалаштирилмоқда, улар маданият ва истироҳат болғарида, хар бир маҳаллада, хар бир кўчада ўтказилади. Мамлакатимизнинг шундай улғу байрамини ахил, ўзаро муҳаббат ва бир-бирини тушуниш ҳукм сураётган оила сифатида биргаликда кутиб оляпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, чилонзорликларга ва барча ўзбекистонликларга авваломбор тинчлик, хотиржамлик ва соғлиқ тилайман.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

«Кўзлар қаросида АСРАНГ ВАТАННИ!»

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган, шахримиз мактабларининг аъло баҳоларга ўқиган истиқболли битирувчилари, шунингдек академик лицейлар ва коллежларнинг тамомаган талабалар — юртимиз тараққиётининг пойдеворлари, истиқлолимиз умидлари катнашган — «Истиқлол умидлари» деб номланган театрлаштирилган байрам кечасида янграган «Кўзлар қаросида асранг Ватани!» деган хитоб хар бир ўшнинг қулоқлари остида умрбод жаранглайди.

Ҳа, Мустақиллик шарофати ила келажагимиз давомчилари бўлиш ёшларга курсатилаётган эътибор, ғам-хўрлик ва ишонч уларни янада яхшироқ ўқишга, хар жаҳада фаол, соғлом ва баркамол, юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишга ундамоқда. Ёшларнинг таълим олишлари учун туманда 32 та умумтаълим мактаблари, 62 та мактабгача тарбия муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш маркази ҳамда спорт мактаблари мавжуд.

Гимназия макони берилган таълим масканларида ўқувчилар иқтисод, кимё, инглиз тили, физика, математика, экология, музика ва бошқа йўналишлар бўйича сабоқ олмақдалар. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қарорлар тейёрлаш Миллий дастури бўйича таълим олаётган ёшларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етуқ, баркамол авлод бўлиб

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ

Алёр

Омадин бордири, элинг яшар хур,
Истиқлол кўёши сочар саҳий нур!
Бошингда элсевар Сарбонинг турур,
Дилларда бебаҳо шукрона, сурур!

Нақарот:

Эй, олам назари тушган диёрим,
Осмони мусаффо, бахтим, виқорим!
Яшнайсан, гуллайсан, бўлмайсан ҳазон,
Йил бўйи мисоли фасли баҳорим,
Янграгай шаънингга эзгу алёрим!

Алломиш, Барчиндек зурёдларинг бор,
Авлодлар, аждодлар руҳи мададкор!
Ёвларинг бўлғуси яқсон, шармисор,
Оламда топгайсан яна эътибор!

Нақарот:

Эй, олам назари тушган диёрим,
Осмони мусаффо, бахтим, виқорим!
Яшнайсан, гуллайсан, бўлмайсан ҳазон,
Йил бўйи мисоли фасли баҳорим,
Янграгай шаънингга эзгу алёрим!
Искандар РАҲМОН



Келажагимиз эгалари

Каерда адолат, тенг ҳуқуқлик, тотувлик бўлса ўша ерда тинчлик барқарор бўлади, ишда унум, барака

дига малҳам бўлиб, оғирини енгил қиладиган маскан. Биз ҳам аввало уруш ва меҳнат

Маънавият — эл-юртнинг, жамиятнинг қу-қудратидир. У йўқ жойда бахт-саодат бўлмайди. Утмиши ва аждодларини унутмаган, инсонни ва дўстлиқни эъзозлаган, фани, маданияти ва маънавиятини бойитган халқ ҳеч қачон завоёт топмайди.

Туманда аҳолининг маънавий баркамоллиги йўлида, айниқса ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, аждодлари руҳи олдига ҳурматда бўлиш, дунёқарадини кенгайтириш борасида «Маънавият ва маърифат» марказининг маънавий-маърифий йўналишда олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Марказда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига тейёрғарлик кўриш, Миллий истиқлол ғолибини тарғиб этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, «Она ва бола» Давлат дастурини амалда жорий этиш, буюқ алломалар тарихини ўрганиш йўлида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Шу кунгача туманда «Ҳайжизатлик ва бағрикеллик — тараққёт омили», «Имом Абу Мансур Ал-Мотуриддиннинг ислом фалсафасида тугган ўрни», калом илмининг сўлтони Бурхониддин Марғиёний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган «Маънавият сарҳашмаси» мавзуларида илмий-амалий анжуманлар, «Миллий ўрф-ода ва қадриятлар» каби қатор қўриқ-тан-

МАЪНАВИЯТ — ДИЛ КЎЗГУСИ

«Она ва бола» Давлат дастурини амалда жорий этиш, буюқ алломалар тарихини ўрганиш йўлида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Шу кунгача туманда «Ҳайжизатлик ва бағрикеллик — тараққёт омили», «Имом Абу Мансур Ал-Мотуриддиннинг ислом фалсафасида тугган ўрни», калом илмининг сўлтони Бурхониддин Марғиёний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган «Маънавият сарҳашмаси» мавзуларида илмий-амалий анжуманлар, «Миллий ўрф-ода ва қадриятлар» каби қатор қўриқ-тан-

Ўтқир ХОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Энг олий туйғу

Энг тоза туйғу нима? Биринчи маошингизни келтириб бериб, отангизнинг дуосини олганингизми?

Биринчи марта соғва кўтариб келганингизда онангизнинг кўзиде қалқанган ёшим?

Нотгахон кўз юмган онангизнинг қабрини силаб йиғлаганингизми?

Тўнғич болангизни илк бор мактабга етаклаб борганингизми?..

Хаммаси, хаммаси покиза туйғулар... Аммо... Бола эмизиб ўтирган аёлга зимдан разм солинг...

Гудагига термулиб, бола эмизавтган онанинг кўзларига диққат билан тикилинг...

Энг олий туйғу нималигини шунда англайсиз!

Фаришталар

Хонадонингизда кекса одам борми? Бахтли экансиз... Дунё ташвишларидан беизиб кетсангиз, шуларни зиёрат қилинг: ҳаёт абадий эмаслигини ўйлаб, таскин топасиз...

Хонадонингизда гўдак борми? Сиз ҳам бахтли экансиз... Дунё ташвишларидан беизиб кетсангиз, гўдакни бағрингизга босинг: ҳаёт абадий эканини ўйлаб, таскин топасиз...

«Дафтар хошиясида»ги битиклар.

Аёллари улғулган юрт...

«Қайсики оилада илму урфон ниҳолларига парварिश қилиб бўлса, ушбу оила боғи сира завоёт кўрмаса, меваларидан эл-улус кўпроқ баҳра олур. Билмиш заманидан хаммиша фойза барақа гуллари очилиб, бахту саодат булбулларининг хушхўл навоси янграб тургай...»

Қадим тарихимиздан олинган юқридаги улғулар бугунги аёллари улғуланаётган юртимизда ўз акса-досини бермоқда. Чилонзор туман ҳокимлиги, Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибияти ва туман хотин-қизлар қўмитаси Оналар ва болалар йиллида ўз фаолиятини она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилишига эътиборни қучайтириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одадларимиз асосида болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга, болани жисмоний ва маънавий тарбиялашда она ва оиланинг ролини қучайтиришга эътиборни қаратди. Туманда шу кунгача ма-

ҳалларда, мактаб, коллежларда 40 га яқин учрашув, семинар ва давра суҳбатлари, 7 та мусобақа, қўриқ-танловлар ўтказилди. Жумладан «Мустақиллик гулчалари» шоу-фестивали, «Мустақиллик, маънавият ва аёл», «Аёл бахти-икболи» мавзусида илмий-амалий анжуман, «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзусида ёшлар фестивали, «Истиқлол тенгдошиман» — 10 ёшга тўлган болалар сайли, «Халқ ижодиёти — болаларга» мавзусида тумандаги ногирон болалар учун байрам сайли, «Оналар урғулсин, болам» мусиқали театрлаштирилган томошалар шулар жумласидандир.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами арафасида қатор маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК



Ҳалоллик бор жойда

печенье, торт маҳсулотлари, шарк ширинликларини тайёрлаймиз. Истеъмолчилар эса биринчи навбатда кўзимиз нури — болажонлар. Шунинг учун ҳам сифатни биринчи ўринга қўйганмиз.

Шаҳримизнинг йирик магазинларидан мунтазам кўп биуртмалар тушди, шунга қараб маҳсулотимизни вақтида етказиб беришга ҳаракат қиламиз. Жами 25 хил ширинлик турлари мавжуд. Улар харидор қўлига ичмам ва бежирим қилиб қадоқланган ҳолда етиб боради. Иложини борица нархларни кўтармасликка, маҳсулотимиздан баҳраманд бўлган инсонларнинг «Отанга раҳмат» дейишларига ҳаракат қилиб ишламоқдамиз. Ахир инсофда, тежамкорликда барақа бор деб бежиз айтлмаган. Корхонамизда 40 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади, улар учун меҳнат ва дам олиш шaroитлари яхши йўлга қўйилган.

Корхона қўшида ўз маҳсулотларимиз билан савдо қилувчи «Нилуфар—Баҳо-дирхон» фирма дўконини очилган. Келгусида чет эл технологияси бўйича янги вафли ва печенье ишлаб чиқариш линиясини ишга тушириш ниятимиз бор.

Айни кўнларда байрам дастурхонига 4 хил турдаги янги маҳсулот турларини тайёрлаб беришни режалаштирганмиз.

СУРАТДА: корхонада қандолат ишлаб чиқариш жараёни.

Саҳифани Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади.

МАҲАЛЛА

Қутлуғ даргоҳ



Маҳалламиздаги мавжуд боғча, мактаб билан ҳамкорлик аллоқалари ўрнатганмиз. Маҳалла ёшларининг хар томонлама соғлом фикри бўлишларида ҳаёт синолариде тобланган отахонларимиз билан биргаликда утаётган «Оталар чой-хонаси» каби тадбирларимизнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Шунингдек, маҳалла йўллари тўла таъмирдан чиқарилиб, ободонлаштирилиб, кўпқабл мевали дарахтлар ўтказилди. Шу ҳудудда жойлашган Тиббиёт техникуминини таъмирлаш учун 200 миңг сўм ёрдам берилди. Яқинда маҳаллада Мустақиллик тенгдоши бўлган 10 ёшларнинг эъзоз даврасини ўтказиш режалаштирилган. Ушбу эзгу ва савоб ишлар бошида одамлар ташвиши билан юрган, уларнинг оғирини енгил қилиш учун юғуриб-ёлаётган маҳалла оқсоқоли Зоҳид ака турибди.

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАН



Кўҳна ва навқирон

Ривоят қилишларича, қадим-қадимларда эски Тошкентнинг узок чеккасиде бир киши яшаган экан. Таркидунёликда узок йиллар у жойдан бу жойга кўчиб юрган бу одам шайх унвонига сазовор бўлиб, кексайган чоғида машур ҳон-жийда мевасига алоҳида меҳри билан ҳам шурқат қозонган экан. Жамғанининг шифобахш ҳусусияти эса ҳаммага маълум.

Унча катта бўлмаган чилон-жийда дарахти ерга чуқур илдиз отади, қург-оқчилик йиллари намни яхши сақлай-

ҳам бор. Чамаси у XIX асрда пайдо бўлган бўлиши керак.

Аслида Чилонзор қай даражада қадимий? Айтишларича, 300 йиллар муқаддам бу ерларда одам яшамаган. Бу ҳудуд ўтиб бўлмайдиган тўқайзорлар — чинакам Марказий Осиё ўрмонларидан иборат бўлган. Бугунги кунда қанчалик гайриабий тўполмасин — Чилонзор ҳудудларига машур турон йўлбарелари ҳам кирган (бу йирик йиртқичлар ҳозирда бутун Урта Осиёда қирилиб кетган).

Мутахассислар фикрига қўра, шу ерлардаги энг қадимий қишлоқлар эраминан олдинги I асрлардаёқ мавжуд эди. Шонтепа тепалигидаги археологик топилмалар шундан далолат беради. Ҳатто ҳозиргача турли замонавий қурилишлар майдонларида унча баланд бўлмаган тепаликларни пайқаш мумкин. Чилонзорда улар кўпқабл учрайди. Одатда улар тағида қадимий цивилизация ашёлари яширинган бўлади.

Чилонзор Оқтепасида ўтказилган археологик қазилмалар, жумладан энг қизиқарли топилмалари билан диққатга сазовор. Тахминан V асрларда бу ерда жуда ўзига ҳосини билан ажралиб турручи муқаддас маъбула бўлган қалъа бор эди. Афтидан, у табиат ҳудоси Сиевуш шарафига бунёд этилган бўлса керак.

Чилонзорнинг қадимий ёлдорликлари орасида Хайробод эшон мажмури, Чўпон ота мақбараси бор.

Узоқ вақтлар давомида ҳозирги Чилонзор ҳудудида тошкентликларнинг қорбоғлари, бог-роғлари жойлашган эди. Шу жойларни фаол ўзлаштириш ва бу ерларда қурилишлар қилиш 50-йилларнинг охириларида бошланган. Чилонзор кўчасида уларнинг биринчи гишти 1956 йилда қўйилган. 1957 йили Гагарин кўчасида (жамоа ҳўжалиги ҳудудида) тўртта турар жой биноси фойдаланишга топширилган. 1963 йил 4 январда Тошкент шаҳрида янги — Чилонзор тумани ташкил этилган. Худди шу йили Муқимий, Қатортол, Волгоград кўчалари вужудга келди ва кўп ўтмай уларда трамвай ва троллейбуслар қатнай бошлади. 1964 йили «Чилонзор» савдо маркази ва тумандаги ягона ҳозирги Фуркат кинотеатри фойдаланишга топширилди. Уша йилиёқ хашар йўли билан ёшлар боғи — ҳозирги Мирзо Улўтбек номили боғ бунёд этилди.

Бугун ҳам Чилонзор туманида қурилишлар давом этипти, туман обод ва кўркам бўлиб, тобора яшариб бораёпти. Кўҳна ва навқирон Чилонзорнинг янги тарихини чилонзорликларнинг бугунги авлоди — замондошларимиз ёзишмоқда.

Агросоат мажмуи ходимлари касоба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитасида миллий байрамлар, маданий-спорт тадбирларини ўтказиш яхши анъанага айланган...

Боғда болалар байрами

Яқинда шаҳри азим Тошкентнинг барча болаларини қўриқиб туришни мақсад қилиб болалар байрами шаша қўриқларида бўлиб ўтди...

Кескин, қизикarli спорт бахсларига айланган беллашуларда болалар андан Дартс бўйича «Сувмаш» корхонасида...

Айтиш кераки, ўтказилган оилавий мусобақа ёшлик, кучлилик, гўзаллик, дўстлик байрамига айланган...

Шашка бўйича аёллар ўртасидаги биринчиликда «Сағбон-нон» корхонаси вакили О.Садуллаева...

Теннис бўйича эркаклар ўртасидаги беллашуларда «Тошмарг» корхонаси вакили Р.Аметов...

Тармоқдаги корхона, ташкилот, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари бадий хаваскорлик жамоалари...

Халқимиз болажон бўлиб, ҳар бир ота-она фарзандлари билан маданият ва истироҳат боғларида...

Азиз болаларнинг бегубор, шодон кўлиги, янграган дилрабо кўй-қўшқалар...

Лобар опа ярим тунда Лийги товушидан чўчиб уйғонди. Ожиза ово-зи? Келинидан бўлак ким бўларди? Шу маҳалда уни...

Уша Ошиқ Эр-р-бек! Дилфуза гапида туриб олди: — Унинг гапини охирига-ча эшитиш керакиди...

Уша Ошиқ Эр-р-бек! Дилфуза гапида туриб олди: — Унинг гапини охирига-ча эшитиш керакиди...

РАШК

— Кўзи мошдек очилиб келмаса отимни бошқа қўяман! Сен унга тортма, бидинги! Қани, бир чуқур-роқ нафас олиб гапир-чи...

— Кўзи мошдек очилиб келмаса отимни бошқа қўяман! Сен унга тортма, бидинги! Қани, бир чуқур-роқ нафас олиб гапир-чи...

Санъаткордан чиққан шахматчи



Санъат ҳам, спорт ҳам кишини галабалар сари ундайдиган, эзули сари етаклайдиган соҳалардир. Кўпчилик уни ярим ҳазил, ярим чин санъаткордан чиққан шахматчи...

— Анвар ака, ёшлиқда тугилган муҳаббат бир умга кетади дейишади. Сизда ҳам санъат ва шахматга нисбатан иштиёқ болалик пайтларингиздан пайдо бўлган бўлса керак?

— Дарҳақиқат шундай. Болалик чопларимда дадам Нусратилла Иноқов ўзбек Давлат эстрада-радио ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

Бу ажиб дунё

Улкан тухум

Марҳум овчининг васиятига кўра, уни яқинлари, дўст-биродарлари Клязма дарёси қирғоқларидан...

Рухий зўриқиш

Швейцарияликларнинг бугунги авлоди ташки қўриқидан хотиржамлик кайфиятини зоҳир этгани...

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажим — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ақциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.